O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NAVBAHOR TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВБАХОРСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Навбаҳор тумани Бешработ қўрғони.
2017 у.(й) “26” сентябр

Navbahor tumani Beshrabot qo’rg’oni
№ К-1227

2018 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”га 186-сонли қарорига асосан ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 25 сентябрдаги 1137-1/01-03-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонидан 205 кишини ташкил этадиган 3,4 фоиз миқдорида,

шу жумладан:

1) ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун 11,2 фоиз (23 киши);

2) таълим муассасини тугатган ёшлар учун 49,8 фоиз (102 киши);

3) муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 10,7 фоиз (22 киши);

4) ногиронлар учун 4,4 фоиз (9 киши);

5) туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 12,7 фоиз (26 киши);

6) жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 4,9 фоиз (10 киши);

7) одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун 1,5 фоиз (3 киши);

8) ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун, шу жумладан сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун 4,9 фоиз (10 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиқлансин.

2. Тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомига мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда барпо этилишини (банд қилиб қўйилишини ёки ажратилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена қоидаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

3. Тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш мақсадида 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса квоталанган иш жойларининг умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмасдан иш жойларининг қолган 75 фоизини яратиш (банд қилиб қўйилганлиги) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини туман ҳокимлиги Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиб борилиши таъминласин.

4. Ушбу қарор ижроси ўз вақтида таъминланмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси 3-қисмига мувофиқ иш берувчилардан ҳар бир яратилмаган иш жойи учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

5. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Д.Назаров), бир ҳафта муддатда мазкур қарорни иловасида кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ва қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

7. Мазкур қарорнинг расмий нашрда ва расмий веб-сайтда эълон қилиниши ҳамда адлия бошқармасига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилиши таъминлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К.Аллаев зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

UMUMIY BO'LIM

Туман ҳокими **Б.Бобоназаров**

Туман ҳокимининг
2017 йил "26" октябрдаги
14-1227 -сонли қарорига
илова

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни 2018 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони (квота) белгиланган Навбаҳор туманидаги корхона , ташкилот ва муассасалар рўйхати

Т/Р	Корхона ва ташкилот номи	Корхона тури	Жойлашган манзили	Корхонада ишловчилар сони	Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун белгиланган иш ўринларининг энг кам сони.								Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун,шу жумладан		
					Жами	Ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота - оналар	Таълим муассасаларини тугатган ёшлар	Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар	Ногиронлар	Б.К.М да иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига якинлашиб қолган шахслар.	Жазони ўташ муассасаларида бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар	Одам савдосидан жабр кўрган шахслар	Сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар учун	Кичик ши болалари бўлган ишламаётган аёллар учун	Атрофдагилар учун хафли бўлмаган ижтимоий ахамиятли касалликлар билан оғриган шахслар учун
1	"Истиқлол" саноат касб-ҳунар коллежи	давлат	Бешработ МФЙ	184	3	0	1	1	0	1	0	0	0	0	0
2	Агроиқтисодиёт коллежи	давлат	Савунгар МФЙ	137	3	0	2	0	0	1	0	0	0	0	0
3	Навбаҳор Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	давлат	Қизилтеап МФЙ	119	2	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0
4	Навбаҳор Енгил саноат касб-ҳунар коллежи	давлат	Қалқон ота МФЙ	102	2	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Навбаҳор Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	давлат	Кескантерак МФЙ	63	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Навбаҳор Тиббиёт бирлашмаси	давлат	Бешработ МФЙ	1219	30	4	8	3	4	5	2	1	1	1	1
7	Сил касалликларига карши болалар санотурияси	давлат	Қаровултепа МФЙ	138	6	0	0	2	0	2	0	0	0	2	0
8	Давлат Солиқ Инспекцияси	давлат	Бешработ МФЙ	40	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Д С Э Н М	давлат	Бешработ МФЙ	75	3	1	0	0	1	1	0	0	0	0	0
10	"Сувоқава" ДУК туман филиали	ДУК	Бешработ МФЙ	36	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0
11	Навбаҳор ТЙХПТФДКси	давлат	Юқори бешработ МФЙ	103	5	1	0	0	0	1	2	1	0	0	0
12	Ветеренария бўлими	давлат	Бешработ МФЙ	52	2	0	0	1	0	0	0	0	0	1	0
13	Маданият бўлими	давлат	Бешработ МФЙ	50	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0
14	БЎСМ	давлат	Бешработ МФЙ	91	3	0	1	1	0	1	0	0	0	0	0
15	АТБ Агро банк туман филиали	О А Т	Бешработ МФЙ	38	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
16	АТ Халқ банки туман филиали	Акциядролик тижорат	Бешработ МФЙ	41	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
17	"Навбаҳор пахта тозалаш" МЧЖ корхонаси	давлат	Пахтакор МФЙ	464	15	2	3	2	2	2	2	1	0	1	0
18	Ободонлаштириш бошқармаси	давлат	Бешработ МФЙ	186	9	3	2	1	1	0	1	0	1	0	0
19	Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	давлат	Юқори Бешработ МФЙ	27	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
20	№ 11-сон мусиқа ва санъат мактаби	давлат	Бешработ МФЙ	50	2	0	1	0	0	0	1	0	0	0	0
21	1-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Бешработ МФЙ	113	5	0	2	0	0	2	0	0	0	1	0
22	2-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Бешработ МФЙ	79	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0	0
23	3-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Кескантерак МФЙ	93	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0	0
24	4-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Кескантерак МФЙ	60	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
25	5-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Арабхона МФЙ	101	4	0	2	1	0	1	0	0	0	0	0
26	6-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Бешработ МФЙ	84	3	1	0	1	0	1	0	0	0	0	0
27	7-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Коражон МФЙ	52	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
28	8-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	99	3	0	1	1	0	0	1	0	0	0	0
29	9-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	М.Улуғбек МФЙ	76	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0	0
30	10-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Учтут МФЙ	60	3	0	2	0	0	1	0	0	0	0	0

		давлат	Учтут МФЙ	42	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
32	12 -умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги куч МФЙ	103	4	1	1	0	0	1	0	0	0	1	0
33	13-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Қизлработ МФЙ	52	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
34	14-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янгикурғон МФЙ	108	4	1	1	1	0	1	0	0	0	0	0
35	15-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Арабсарой МФЙ	147	5	1	1	1	0	1	1	0	0	0	0
36	16-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Карвон МФЙ	77	3	0	2	0	0	1	0	0	0	0	0
37	17-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Ҳашман МФЙ	70	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0	0
38	18-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Армижон МФЙ	53	2	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0
39	19-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	56	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
40	20-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Қизилой МФЙ	55	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
41	21-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	92	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0
42	22-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	59	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0
43	23-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	71	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0
44	24-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Дул-дул МФЙ	45	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
45	25-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Янги йўл МФЙ	40	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
46	26-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Ҳаловоттепа МФЙ	75	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0
47	27-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Ёш куч МФЙ	50	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
48	28-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Қизилработ МФЙ	56	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
49	30-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Мехнат МФЙ	40	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
50	31-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Қизилтепа МФЙ	50	2	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0
51	32-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Ялтиработ МФЙ	47	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
52	33-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Пахтакор МФЙ	40	2	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0
53	34-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Ю.Бешработ МФЙ	39	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
54	36-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Бурқут МФЙ	44	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
55	№ 37- ихтисослаштирилган мактаб	давлат	Мехнат МФЙ	61	3	0	2	1	0	0	0	0	0	0	0
56	38-умумий ўрта таълим мактаби	давлат	Навкар МФЙ	50	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
57	"Олтин баликча" М Т М	давлат	Бешработ МФЙ	35	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
58	"Наврўз" М Т М	давлат	Навкар МФЙ	44	2	0	2	0	0	0	0	0	0	0	0
59	"Наргиз" М Т М	давлат	Янги йул МФЙ	22	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
60	"Гулшан" М Т М	давлат	Кескантерак МФЙ	34	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0
61	"Бинафша" М Т М	давлат	Қалқон ота МФЙ	21	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
62	"Гулчирой" МТМ	давлат	Қизилой МФЙ	21	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
63	Асаб рухий касалликлар диспансери	давлат	Қалқон ота МФЙ	248	7	2	2	1	1	1	0	0	0	0	0
	Ж а м и :			**6079**	**205**	**23**	**102**	**22**	**9**	**26**	**10**	**3**	**2**	**7**	**1**

Туман ҳокимлиги бош мутахассиси

_____ У.Тўраев